

Vatan mehri bilan yashamoq – eng oliv baxt!

# Bo'stonliq Ovozi

Gazeta 1936-yil 18-iyundan chiqa boshlagan

TURIZM

Туризм қўмитаси томонидан Уммон Султонлигига ўтказилган "Ўзбекистон – Уммон" туризм форуми доирасида "Ўзбекистон – Ипак йўли дурдонаси" тақдимоти бўлиб ўтди.

## Ипак йўли дурдонасининг янги имкониятлари



Унда Ўзбекистоннинг бой тарихий мероси, дунёга машҳур маданий обидалари, миллий хунармандчилиги ва гастрономик анъаналари ўз аксини топди. Мехмонлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарларнинг ноёб сайдхик манзаралари билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Тадбирнинг амалий қисми сифатида "B2B" ва "G2B" форматидаги учрашувлар ташкил этилди. Унда ўзбек ва уммонлик туризм компаниялари ва давлат идоралари вакиллари ўзаро ҳамкорлик йўналишлари-



ни муҳокама қилиб, хизматлар алмашинуви, турпакетлар ишлаб чиқиш ва биргаликда маркетинг стратегияларини амалга ошириш бўйича музокаралар олиб бордилар. Бу эса икки давлат ўртасида барқарор ва самарали туристик алоқаларнинг ривожланишига хизмат қиласди.

BIZNING AXBOROT

## Ободлик кўнгилдан бошланади

Туман Ободонлаштириш бошқармаси ҳамда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ходимлари томонидан асосий ўйл ёқаларида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, ўйл бўйларида ёввойи ўт-ўланлар ва турли чиқиндиларни тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган дараҳт кўчатларини суғориш тадбирлари ташкил этилган.

Туман ҳокими Ж.Ахмедов мазкур ишлар жараёнини жойига чиқсан ҳолда кўздан кечирди ва мутасадиларга зарур кўрсатмалар берди.



Bo'stonliq tumanining ijtimoiy-siyosiy gazetasи

№ 24-25 (7359-7360)

2025-yil 12-iyul

Shanba

# Obuna – 2025

Siz gazetaga obuna bo'ldingizmi?

Hurmatli mushtariylar! «Bo'stonliq ovozi» gazetasiga 2025-yil uchun obuna davom etayotganligini ma'lum qilamiz.

Obunani bevosita tahririyatda rasmiylashtirishingiz mumkin.

Nashr ko'rsatkichi – 290

"DOLZARB 90 KUN"



## Соғлом турмуш тарғиботи сари

2-бет

"MA'RIFAT VA SAXOVAT KARVONI"

"Думалоқ" маҳалла фуқаролар йигини худудида жойлашган "Истиқол" маданият марказида "Оғир" тоифадаги маҳаллаларда яшовчи аҳолининг томорқаларидан унумли фойдаланиш, сердаромад экинглар экиш орқали йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш имкониятлари, шунингдек, тақоририй экинглар экиш зарурлигига бағишиланган кўргазмали-амалий семинар ўтказилди.



## Ижтимоий ҳимоя кўлами кенгаймоқда



Бугунги кунда юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқароларни кўллаб-кувватлаш, инсонийлик ва ҳамжиҳатлик қадриятларини мустаҳкамлаш йўлида кўплаб эзгу ташабbuslar амалга оширилмоқда. Шундай хайрли ишлардан бири туманда ўтказилётган "Маърифат ва саҳоват карвони" хайрия тадбирлари бўлиб, у меҳр-оқибат, маърифат ва саҳоватга асосланган ижтимоий ҳаракат сифатида эътиборга лойикdir.

Мазкур карвон доирасида Республика ишчи гурухи, ҳоким ўринбосарлари, туман кенгаши депутатлари, маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари ҳамда корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этиб, туман бўйлаб ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласлар ҳолидан

хабар олишмоқда. Уларнинг дардини тинглаб, мавжуд муаммоларига ечим топишга ҳаракат қилинмоқда. Бу жараёнда нафақат моддий ёрдам, балки маънавий кўмак, юртдошларимиз қалбига илиқлиқ улашиш, фарзандлар тарбияси, оила муҳитини мустаҳкамлаш каби кўплаб долзарб масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Маърифат ва саҳоват карвони" бу шунчаки тадбир эмас. Жамиятда меҳр-оқибат муҳитини шакллантириш, ўзаро ғамхўрлик ва масъулият ҳиссини кучайтириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир. Эзгулик элчилари сифатида иштирокчилар ҳар бир хонадон, ҳар бир юртдош қалбига ёруглик олиб киришмоқда.

Ёрқин АБДУЛЛАЕВ

Хурматли ва азиз фермерлар! Бугунги глобал иқтисодий ва экологиявий шароитда дунёда озиқ-овқат етишмовчилиги юзага келиш хавфи ортаётган бир пайтда, қишлоқ, хўжалигидаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, юқори ҳосил олиш ва озиқ-овқат экинларини қўпайтириш мухим вазифага айланмоқда. Шу мураккаб шароитда дехқон ва фермерларимиз барчадан кўра масъулияти ва фидокорона меҳнат қилмоқда.

Азалдан халқимиз нонни улуғ неъмат сифатида қадрлаб келган. Етиширилган ҳосилнинг ҳар донасини нест-нобуд қилмасдан йиғишириб олиш дехқон меҳнатининг бир қисми ҳисобланади. Энди эса асосий вазифа — ғаллдан бўшаган 900 минг гектар ерларга тақорорий экинларни ўз вактида экиш, юқори ҳосилдорликка эришиш ва аҳоли дастурхонини тўкин қилишдир.

Сўнгги йилларда фермер ва дехқонларимизнинг самарали меҳнати, илмий асосланган агротехнологиялардан фойдаланиш, бозор механизмларининг кенг жорий қилиниши эвазига соҳада-

## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИННИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОНЛАРИГА МУРОЖААТИ

ги иш самарадорлиги ва даромадорлик ортиб бормоқда. Илгари фойдаланилмаган ерлар ўзлаштирилмоқда, кластерлар билан ҳамкорлик кенгаймоқда.

Фермер ва дехқонларимиз мамлакат тараққиёти, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга катта хисса қўшмоқда. Ёшларга ер ажратиш бўйича Президентимиз ташаббусини қўллаб-куватлаш натижасида қарийб 60 минг гектар ер ажратилиб, тажрибали фермерлар томонидан ёшларга кўмак кўрсатилмоқда.

Бундай ерларда дехқончилик қилаётган шикоатли, файратли ёшларимиз бугун биринчи ҳосилни йиғишириб олишяпти ва иккичи экинни экишини бошлаб юборишиди.

Натижада, 200 мингдан ортиқ ёшлар мавсум давомида 10-15 миллион сўм миқдорида даромад олиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Хурматли фермерлар! Бошокли дон ҳосилини йиғишириш, ғалладан бўшаган ерлардан самарали фойдаланиш, экспортбоп сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиширишида масъулияtingизни янада ошириш мақсадида қўйидаги чора-тадбирларни амалга оширишингизни сўраймиз:

Биринчидан, етиширилган бошоқли донни қисқа муддатда, ўйқотишлариз изиғишириб олиш учун зарур ташкилий ва моддий-техникавий чораларни кўринг;

Иккинчидан, ғалладан бўшаган ерларни сомондан тезкорлик билан тозалаш, шудгорлаш ва экишга тайёрлашни ташкил этинг;

Учинчидан, уруғлик ва кўчат ва шудгорлаш ишларини амалга ошириш учун Фермерлар кенгashi ҳузуридаги Жамғармадан 18 ойга кам фоизли кредит олинг;

Тўртнчидан, ерларни биринчи навбатда ишсизлар, эхтиёжмандлар, ёшлар "Аёллар" дафтаридаги фуқаролар ҳамда самарали томорқачиларга ўртача 20 сотихдан мавсумий ижара асосида беғараз ажратинг ва экиш ишларида амалий ёрдам кўрсатинг;

Бешинчидан, ажратилган ерларда тақорорий экинларни тўлиқ экиб, экспортбоп маҳсулот етиширинг, шу орқали ўзингиз ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг даромадини оширишга хисса қўшишинг.

Бу каби саховатли ва фидокорона ишларингиз Президентимиз томонидан қатор Фармон ва қарорлари билан қўллаб-куватлашиб, солиқ имтиёзлари берилётганини алоҳида таъкидлаймиз. Шунингдек, туман сектор раҳбарлари, маҳалла раислари, Фермерлар кенгashi, кластерлар ва экспортёр корхоналар томонидан

Сизга зарур ёрдам кўрсатилади.

Айниқса, 15-20 сотих ерда дехқончилик билан шуғулланаётган фуқаролар ўртача 8-10 миллион сўм даромад олишлари мумкин. Бу орқали сизлар ёшлар, аёллар ҳамда хориждан қайтган фуқароларни иш билан таъминлашда мухим роль ўйнайсиз.

Азиз ва қадрли фермерлар! Халқимиз сизларни "ризқ-рӯзимиз бунёдкорлари" сифатида ардоклайди. Сизнинг шижоат ва меҳнатингиз туфайли дастурхонимиз тўкин, бозорларимиз арzon ва турмушимиз фаровон бўлади.

Мамлакатимиз озиқ-овқат ҳавфисизлигини таъминлашда фермер ва дехқонларнинг ўрни бекиёсдир. Биз барчангизни Юртбошимиз ишончини оқлаш, юртимиз равнақи ва ҳалқ фаронвонлиги учун ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилишга чакирамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, эзгу ишларингизга кут-барака тилаймиз. Бу йилги мавсумда ҳам улкан хирмонлар барпо этиб, халқимиз олдида юзимиз ёруғ бўлиши ҳаммамизга насиб этсин!

**ЎЗБЕКИСТОН  
ФЕРМЕРЛАРИ КЕНГАШИ**

### "DOLZARB 90 KUN"

## Софлом турмуш тарғиботи сари

**Таълим, ижод, спорт, касб-хунар қолаверса, соғлом турмушни ўз ичига қамраб олаётган "Долзарб 90 кун" тадбирлари туманда давом этмоқда. Ҳусусан, 15-сонли умумтаълим мактабида бу борада амалга оширилаётган ташаббус ва лойиҳалар таҳсинга лойик.**



### OCHIQ MULOQOT

**"Бирлик", "Кичиксой", "Қўктўнли" ва С.Хондоиликий маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи хотин-қизлар иштирокида очик мuloқot тарзида учрашув бўлиб ўтди.**

## Аёл, оила ва жамият бир бўлса

Тадбирда туман оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Л.Шодиева, "Оқила аёллар ҳаракати" туман раҳбари М.Раҳметова, туман ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори М.Даурбаева қатнашди.

### DEPUTAT VA NAYOT

## Фуқаролар мурожаати эътибор марказида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Моҳира Ходжаева ҳамда унинг ёрдамчиси Б.Қосимов, Ўзбекистон экологик партияси Тошкент вилояти Кенгashi раиси Ф.Ахмеджанов ва партиянинг Бўстонлиқ туман Кенгashi раиси З.Саримсоқловлар тумандаги бир қатор ташкилотларда бўлиб, мавжуд муаммоларни ўрганиш, фуқаролар билан юзма-юз мuloқot қилиш ҳамда мурожаатларини эшитиш мақсадида жойлардаги ҳолат танишдилар.**

Ташриф доирасида делегация туман тиббиёт бирлашмаси, "Рахнамо сервис" МЧЖ ҳамда туман Ҳалқ қабулхонасида бўлди. Ушбу муассасаларда фаолият олиб бораётган ходимлар билан сухбат ўтказилиб, уларнинг кундаклик иш жараёни, юзага келаётган муаммо ва талаблар тингланди. Ҳусусан, тиббиёт бирлашма-

масалалари атрофлича муҳока мақлини.

Шунингдек, норасмий никоҳ асосида яшаётган оиласаларнинг ҳукуқий мақомини мустаҳкамлаш, низоли оиласалар билан индивидуал ишларни алоҳида таъкидлаймиз. Шунингдек, туман сектор раҳбарлари, маҳалла раислари, Фермерлар кенгashi, кластерлар ва экспортёр корхоналар томонидан

тадбир доирасида хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни касбга ўқитиши имкониятлари ва мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар тақдим этилди.

### Ўз мухбириимиз

Фуқаролар мурожаатларини ўрганиш жараёнида, айниқса, ўйжой, ижтимоий таъминот, атрофмұхит мұхофазаси, иш ўринлари яратиш, тиббий хизматдан норозилик каби масалалар қўтарилиб. Депутатлар ҳар бир мурожаатни диккәт билан ўрганиш чиқиб, тегиши ташкилот ва мутасаддиларга ижобий ҳол этиш юзасидан топшириклир бердилар.

Мазкур ташриф ўзбекистон экологик партиянинг ҳалқ билан яқин мuloқotда бўлиб, жойлардаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиш, ҳол этилиши лозим бўлган масалаларни аниқлаш ва уларнинг самарали ечимиға кўмаклашиш борасидаги амалий ишларнинг яна бир ифодаси бўлди.

"Китобхон ўқувчи", "Мен тил ўрганмоқдаман", "Кел, касб танлаймиз", "Жадидларни танийсанми?" сингари бир-биридан қизиқарли машғулотлар ўғил-қизларнинг интеллектуал салоҳияти, нотиқлиги, энг муҳими қадрият ва урф-одатларга ҳурмат руҳида камол топишида мухим ўрин тутмокда.

Айниқса, мактабда спорт тўгаракларига эътибор ўзгача. Футбол тўгарагига кўшини мактабнинг ўқувчилари ҳам келиб қатнашмоқда. Шахмат, шашка, волейбол, баскетбол, стол тенниси бўйича машғулотлар ҳам доимий ўтказилмоқда.

"Мактабимизда "Долзарб 90 кунлик" доирасида ташкил этилган спорт тўгаракларига машғулотларида 10 ёшгача, 17 ёшгача бўлган ўқувчилардан иборат жамоалар шакллантирилиб, мусобақаларга тайёргарликлар ўтказилмоқда. Қуонарлиси, фарзандларининг доимий бандлиги, спорт билан мунтазам шуғулланаётганини кўрган оталар, катта ёшли акалари ҳам айни кунда мактабимиз стадионида футбол ўйинларини ўтказишмоқда. Махалламида бекорчи қолмаган, ҳамма мактабда", – дейдид мактаб директори Шерзод ака Фахриддинов

Бир сўз билан айтганда, 15 дан зиёд тўгараклар 493 нафар ўқувчиларнинг ихтиёрида. Ёзги таътил ёшларнинг ҳар томонлама фаол, файратли, ижодкор, билимли бўлишларига кўмаклашиш, вақтни мазмунли ташкил этиш, янти қирраларни кашф этиш жараёнинг айланган.

**8 июль куни Бўстонлик тумани 2-сон политехникумида "Оқ йўл сизга, азиз битиравчилар!" шиори остида тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Ушбу тўлқинланарли тадбирда 228 нафар битиравчи ўзининг илк касбий ҳаётига йўл олиш арафасида муваффақиятли якунланган таҳсил йилларининг гувоҳномаси — дипломни қўлга киритди.**

## "Оқ йўл сизга, азиз битиравчилар!"

Тадбирда битиравчилар ва уларнинг ота-оналари билан бир қаторда туман ҳокимлиги масъуллари, хотин-қизлар бўлими вакиллари, Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати, политехникум раҳбарияти, ҳамкор иш берувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тантанали маросимда таълим муассасасини аъло баҳо билан якунлаган 17 нафар ёш мутахассисга имтиёзли дипломлар тантанали равишда топширилди. Шунингдек, таҳсил даврида фаоллиги билан ажralиб турган битиравчилар, уларнинг ота-оналари ҳамда таълим муассасаси билан самарали ҳамкорлик қўлган иш берувчиларга ташаккурномалар тақдим этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар битиравчиларни самимий табриклаб, уларга келгусидаги меҳнат фаолияти ва ҳаёт йўлида омад ва зафарлар тиладилар. Шу билан бирга, таълим-тарбия жараённида меҳнат қўлган устоз ва мураббийларга миннатдорлик билдирилди.

Ушбу маросим ёшлар учун унуптилмас хотира, келажакка ишонч ва илҳом манбаи сифатида эсда қоладиган воқеага айланди.



O'SIMLIKAR KARANTINI

## Цитрус экинларининг гоммоз касаллиги

**Цитрус экинларининг паразитар ва нопаразитар гоммозларини ажратишиди. Қандай гоммоз учрашидан қатъий назар, зарарланган дарахтларда физиологик жарайнлар бузилади ва дарахтдан шилимшиқ модда (елим) оқиши кузатилади. Елим ҳосил бўлишининг сабаби — дарахтларнинг механик жароҳат олган жойларида ярим паразит бактериялар ўрнашиб, улар дарахт ҳужайраларини қичитиши ҳисобланади.**

Паразитар гоммоз касаллигини бир қанча микроорганизмлар замбуруғлари қўзғатиши гумон қилинади. Нопаразитар гоммоз дарахтларни чукур ўтқазиш, тупроқнинг ортиқа намлиги, азот ўғитларини керагидан ортиқ солиш, илдизни совук уриши, пояни офтоб кўйдириши, дарахт механик жароҳатланиши, зич ва оғир тупроқларда илдиз нафас ола олмаслиги ва

бошқа факторлар таъсирида ривожланади.

Касаллик белгилари ва ривожланиши. Заарарланган дарахтлар поясининг қобикларида шишлар пайдо бўлади, улардан шаффоф, тилларанг-сарик ёки қўнғир тусли, чўзилувчан ва ҳавода тез қотувчи суюқлик — елим оқади.


Баъзан заарарланган поялардан елим оқмайди, факат поя қо-

**Бугунги кунда мевачилик Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим соҳа ҳисобланиб, унинг экспорт салоҳиятини ошириш, сифатли маҳсулот етишириш ва қайта ишлаш саноатини хомашё билан таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифалар бажарилмоқда.**

Зарпечак — чирмовдошлар оиласига мансуб, баргиз, илдизиз, фотосинтез қила олмайдиган паразит ўсимлик бўлиб, ўз яшашини бошқа ўсимликларга ёпишиб, уларнинг озукасини сўриб таъминлайди. Уларнинг 274 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, шундан 17 таси Ўзбекистонда қайд этилган ва 13 таси қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларига жиддий заар етказади. Зарпечаклар вирусли касалликларни ҳамтарқатиш хусусиятига эга бўлиб, улар орқали қанд лавлаги, помидор, дукқакли экинлар ва гречиха каби ўсимликлар касалланади. Зарпечак уруғлари тупроқда бир неча йилгача сакланади, ҳар хил йўллар — зарарланган уруғ, гўнг, суғориш сувлари, транспорт воситалари, хайвонлар ва қушлар орқали тарқалади.

Бўстонлик тумани каби тоғли ва тоғолди ҳудудларда июль-август ойларидаги икlim шароити зарпечакнинг интенсив

## Зарпечак ва унга қарши кураш



ривожланишига кулагай шароит яратади. Шу сабабли, фитосанитария хизматлари томонидан мевали боғларда мунтазам дала кузатувлари, мониторинг ва профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Зарпечакка қарши курашда профилактик, агротехник ва кимёвий усулларнинг уйғунлиги талаб этилади. Бунда зарарланган ўсимликни илди билан бирга юлиб, майдондан чиқариб ташлаш, уруғлар орасида зарпечак уруғининг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш, сув иншоотлари атрофидаги бегона ўтларни тозалаш муҳимdir. Зарпечак кенг тарқалган майдонларда эса ўсимликлар тагидан ўриб олинниб, гербицидлар — азимсультуғурон, римсультуғурон, фулроксипир ёки галоксироп-R-метил моддалари билан даволаш ишлари олиб борилади.

Зарпечакнинг мевали боғларга, айниқса, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар хосилдорлигига ва сифати пасайишига олиб келиши уни иқтисодий жиҳатдан хавфли бегона ўтга айлантиради. Шу сабабли унга қарши кураш чоралари илмий асосда олиб борилиши, доимий назоратда тутилиши ва фермерлар ўтасида кенг тарғиб қилиниши зарур. Бу борада фитосанитария инспекторлари, дехқон ва боғбонларнинг ҳамкорликдаги ҳаракати юртимиз мевачилигининг барқарор ривожи учун муҳим омиллардан бириди.

**Н.МАҲКАМБОЕВА,  
Д.ШОСАЛОВ,  
вилоят ўсимликлар  
карантини ва ҳимояси  
бошқармаси туман бўлими  
давлат инспекторлари**




Бордо суюқлиги пуркаш тавсия қилинади.

Касалликнинг олди олинмаса, гоммоз ўсимликларни нобуд қилиши мумкин. Заарарланган ўсимликларни куйидаги усул ёрдамида даволаш мумкин. Дарахт пўстлоғининг заарарланган қисми боғ пичноғи ёрдамида эҳтиёткорлик билан (ёғоч қисмiga етказмасдан) тозаланади, ўша жой мис сульфатнинг 3%ли эритмаси билан ювилади, 2-3 кун сўнгра таркибида 1 қисм мис сульфат, 2 қисм сўндирилмаган оҳак (ёғи 4 қисм сўндирилган оҳак) ва 12 қисм сув бўлган паста суртила-

ди. Гоммоз аниқланиши билан ушбу усул бир неча марта қўлланисла, яралар битади ва дарахтлар ҳеч қандай жиддий асоратсиз соғаяди. Агар дарахтнинг илдиши ва танаси гоммоз билан кучли заарарланган бўлса, бундай тупни илди билан кавлаб олиб, йўқотиш, дарахт ўрнини 1%ли формалин эритмаси билан заараризлантириш лозим.

**С.САФАРОВ, А. МАЛИКОВ,  
Э. ЮСУПОВ, У. МАМАТКУЛОВ,  
Тошкент вилояти ўсимликлар  
карантини ва ҳимояси  
бошқармаси Ойбек ўқчм  
инспекторлари**



**Фуқаро I ва II гурӯҳ ногиронлик пенсияси тайинланганидан кейин камида 1 йил иш стажига эга бўлса, пенсияси ҳар 2 йилда бир маротаба қайта ҳисоблаб берилади.**

Хуқуқ пайдо бўлган шахс қандай ҳужжатларни тақдим қилиши керак?

Жорий йилнинг 1 июль кунидан бошлаб фуқарога ногиронлик пенсияси тайинлангандан сўнг камида 1 йил иш стажига эга бўлганда пенсия миқдорини ҳар 2 йилда "проактив" шаклда қайта ҳисобланади.

Яъни, энди ногиронлиги бўлган шахслар пенсияларини қайта ҳисоблатиш учун Пенсия жамғармасига келишлари талаб этилмайди.

Пенсия қайта ҳисобланганлиги тўғрисида

#### TA'TIL GASHTI

## Кутубхона бўйлаб таассуротга бой ва унутилмас саёҳат

Туман ахборот-кутубхона марказига "Долзарб 90 кунлик" лойиҳаси доирасида тумандаги 20-умумтаълим мактаб қошидаги "Юлдузча" номли болалар соғломласти-

риш оромгохининг дам олувчи болажонлари ташриф бўюдилар.

Болажонлар учун кутубхона бўйлаб саёҳатуюштирилди, улар янги олиб келинган ада-

биётлар билан таниширилди ва ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар. "Ким кўп шеър ёдлай олади?" мавзусида шеърхонлик мусобакаси ҳам бўлиб ўтди.

#### SO'RAGAN EDINGIZ

## Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш тартиби соддалашди

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 апрелдаги Миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш тартибини соддалаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги 152-сонли қарорига асосан, ариза берувчи ЯИДХП орқали миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш бўйича белгиланган тартибда сўровнома тўлдирган вақтда, почта орқали етказиб бериш хизматини ҳам танлаши мумкин.

ooooooooooooooo

## Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинг

**Қонунчиликка кўра, давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик уларга нисбатан ахлоқий ва интизомий таъсир чораларини қўллашга асос бўлади.**



Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун одоб-ахлоқ комиссияси томонидан давлат хизматчилари қўйидаги ахлоқий таъсир чоралари қўлланилади:

- оғоҳлантириш;
- узр сўраш ёки расмий узрнома келтиришни талаб қилиш;
- давлат органлари ва ташкилотларининг коллегиал йиғилишларида танбех бериш.

Одоб-ахлоқ комиссияси давлат хизматчисига нисбатан интизомий таъсир чорасини қўллаш учун давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарига тақдимнома киритиши мумкин.

**А.АБДУҒАФФАРОВ,  
туман адлия бўлими ЮХКМ  
бош юристконсультанти**

**Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонда пенсия ёшини ошириш таклиф қилинмоқда мазмунидаги хабарлар тарқалди. Пенсия жамғармаси мазкур ҳолат юзасидан қуйидагиларни маълум қиласди:**

## Хавотирга асло ҳожат йўқ

Бугунги кунда Ўзбекистонда пенсия ёшини ошириш бўйича ҳеч қандай якуний қарор қабул қилинмаган.

Пенсия исплоҳотини ўтказиш бўйича ҳалқаро эксперплар томонидан берилган таклифлар ҳозирда Ўзбекистон шароитига мослиги, аҳолининг турмуш даражасига таъсири ва иқтисодий оқибатлари таҳлил қилинмоқда.

Пенсия тизимида киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар, жумладан, пенсия ёшига оид масалалар ҳам, албатта, кенг жамоатчилик муҳокамасидан сўнг, ҳалқнинг фикри ва манбаатларини инобатга олинган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилади.

**Жонибек ТУСМАТОВ,  
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи**



**«Ёшлар дафтари» — ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-кувватлашга, билим ва қасб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёки бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиши ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.**

## Кимлар «Ёшлар дафтари»га киритилади?

«Ёшлар дафтари»га 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган куйидаги тоифадаги ёшлар киритилади:

оила аъзоси «Темир дафтари», «Аёллар дафтари» ёки «Ижтимоий ҳимоя яона реестри»га киритилган;

- ижтимоий ҳимояя мухтоҷ бўлган;
- бокувчисини йўқотган, етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган;
- ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган;
- ўзгалар парваришига мухтоҷ бўлган ишга лаёқатсиз;
- I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- фарзандида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;
- жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган;

ота-онасидан бирида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тұхтатган ҳолда беморга қарашга мажбур бўлган ёхуд ота-онасининг ҳар иккисида I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган;

юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида колган;

зўравонлик ва эксплуатация, табиий оғатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган;

«Мехрибонлик» уйи, Болалар шаҳарчаси ёки оиласидан болалар уйида тарбияланган;

ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (мехнат даромади) келтирадиган машгулотга эга бўлмаган;

даволанишга мухтоҷ бўлган бемор ёшлар;

жазони ижро этиши муассасаларидан қайтган;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган;

психологик маслаҳатга мухтоҷ;

никоҳи қайд этилганига 3 йилдан ошмаган ёш оила;

дехқончилик ёки томорқа ҳужалигини юритаётган;

ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқхизмати органларида рўйхатдан ўтган ёшлар киритилади.

**Эрали ХУШМУРОДОВ,  
туман адлия бўлими ДХМ бош мутахассиси**

Почта хизмати ходими тайёр бўлган миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини ДХМдан олгандан сўнг, ариза берувчи билан телефон орқали боғланиб, сўровномада кўрсатилган манзилга (Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказида бир иш куни, қолган ҳудудларда иккى иш куни ичиди) миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини етказиб беради.

**С.ЮСУПОВ,  
туман адлия бўлими бошлиғи**



## Транспорт воситалари тезлиги ўзгарди

Қонунчиликка кўра, транспорт воситалари тезлигини аҳоли пунктларида соатига 70 километрдан; мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари атрофидаги йўлларда 300 метргача бўлган масофада 30 километрдан;

турар жой даҳалари ва ёндош ҳудудларда (ўй-жой бинолари орасидаги ер участкасида) соатига 20 километрдан;

Нукус ва Тошкент шаҳарларида, вилоятлар ва туманларнинг марказларида, шунингдек, шаҳарлар ҳудудларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 60 километрдан оширмасдан ҳаракатланишига руҳсат этилади.

**Асилбек РАЖАБОВ,  
туман адлия бўлими ЮХКМ бош юристконсультанти**

MAVSUM MAS'ULIYATI

## Кичик ҳажмли кемалар фаолияти назоратга олинди

Чорвоқ сув омбори атрофидаги дам олиш масканлари ва пляж зоналарида фаолият юритаётган кичик ҳажмли кемалар эгалари билан профилактик рейдлар ўтказилмоқда.



Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда туман ихтисослашган кўп тармоқли бошқармаси ҳамкорлигига амалга оширилмоқда.



2024 йил 4 сентябрдаги 540-сонли қарори ижросини таъминламаган кемалар эгалари аниқланиб, уларга нисбатан маъмурй чоралар кўрилмоқда.

Мазкур тадбирларнинг асосий мақсади фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, сувда хавфсизликни таъминлаш ҳамда қонунбузарликларнинг олдини олишdir.

BIZ BILGAN VA BILMAGAN BO'STONLIQ

## Икрима ота тарихий-маънавий хазина

**Бўстонлиқнинг елкалари тоғлар билан суюни ётган, юраги эса мўътабар тарих билан уради. Бу юрт - нафақат табиатнинг гўзаллиги, балки юракдан-юракка ўтган қадим силсилалар, диний-маърифий масканлар юти. Чимбойлик қишлоғида жойлашган Икрима ота зиёратгоҳи ана шундай тарихий-маънавий хазиналаримиздан биридир. У нафақат зиёратгоҳ, балки ҳалқ эътиқодида, юракларда тириклик берувчи руҳий қалъя, дардга даво, ниятга тавалло масканdir.**

Икрима ота – ҳалқ орасида «Ҳазрати Икрима», «Икрима бобомиз» номлари билан тилга олинади. Зиёратгоҳ манбаларида у зотнинг тўлиқ исми Икрима ибн Абу Жахл сифатида тилга олинади. Тарихий исломий манбаларга кўра, Икрима ибн Абу Жахл дастлаб Расулуллоҳ (САВ) даъватига қарши чиққан, бирок кейинчалик исломни қабул қилиб, жонкуяр саҳобалардан бирига айланган. Айнан у зот ҳақида: “Душманликдан дўстлик сари ўтган, жаҳолатдан ҳаққа етган инсон” деб тарих битади. Зиёратгоҳнинг ҳозир-

ги ҳолати Чимбойлик қишлоғи тепалигида жойлашган. У қадимда бу худуддан ўтган ислом даъватчиларининг тўхташ жойларидан бири бўлган деб ҳисобланади. Зиёратчилар орасида авлоддан-авлодга ўтган ривоятларга кўра, Икрима отанинг бу масканга келиб, диний тарғибот билан шуғулланганлиги, шу ерда яшаб, охир-оқибат дафн этилганлиги айтилади. Махаллий аҳолининг Икрима ота зиёратгоҳига бўлган муносабати чуқур ҳурмат ва ихлосга тўла. Ҳар йили, айниқса, Рамазон ойида, ҳайит кунларида, му-

QISHLOQ XO'JALIGI

Тошкент вилоятида ғалладан бўшаган ер майдонларига жами 20 000 гектар кечки картошка экиш режалашибирган бўлиб, ушбу режадан Бўстонлик тумани ҳиссасига 1000 гектар ер майдони тўғри келди.



## Кечки картошка экишдаги замонавий технологиялар

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида бугун “Бўстонлик Картошқачилик Маркази” МЧЖга қарашли ер майдонларида кечки картошка экиш бўйича амалий семинар ташкил этилди.

Семинарда Тошкент вилоятининг турли туман-

ларидан ташриф буюрган фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этдилар. Улар кечки картошка етиштириш технологиялари, агротехник тадбирлар ва уруф танлаш бўйича тажриба алмашдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими нинг қишлоқ ва сув хўжали-



ги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Хуршид Қорабоев, Бўстонлик тумани ҳокими Жўрабек Ахмедов ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашиб, ер майдонларида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Амалий семинар давомида фермерларга кечки картошка етиштиришда са-марадорликни ошириш, агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.



ларни чуқурроқ ўрганиш, ёш авлодга етказиш борасида ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Туман ҳокимлиги, маҳаллий нуронийлар, тарихчилар бу борада турли тадбирлар, очиқ сабоқлар, маънавий кечаларташкил этмоқда. Айниқса, Чирчиқ давлат педагогика университетининг талабалари бу ерга ташриф буюриб, тарихий воқеаликни амалий ҳис қилиш орқали таълим олишмоқда. Зиёратгоҳи атрофидаги ободонлашибиреш ишлари олиб борилиб, сайёхлик имкониятларини ривожлантириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса, яқин келажакда Икрима ота масканининг диний туризм нуқтаси назаридан ҳам муҳим объектга айланиши-

га йўл очади. Хулоса ўрнида айтиш жоизки: Икрима ота зиёратгоҳи – бу оддий тош, тупроқ эмас. Бу – эътиқоднинг бекиёс тимсоли, тарихнинг садоси, руҳиятнинг куввати, ҳалқдонишмандлигининг савимий инъикоси.

Бўстонлик бағридаги бу муқаддас маскан, аслида ҳар бир юртдошнинг қалбидағи имон, сабр, сабоқлилик ва сабр билан қадам ташлаш йўлидаги илҳомдир. Биз бу зиёратгоҳни факат зиёрат эмас, балки тарихимиз, ўзлигимизни англатувчи муқаддас манба сифатида қадрлашимиз, уни авлодларга иззат ва ҳурмат билан етказишмиз лозим.

**Иброҳим ЭРГАШОВ,  
талаба**

**Киз фарзанд - оила-нинг гули, жамиятнинг ифрати, миллатнинг келажаги ҳисобланади. Уларнинг тарбияси фақат она ёки оила вазифаси эмас - балки бутун жамиятнинг, ҳар бир инсоннинг бирдек масъулиятидир. Чунки тарбияланган қиз - нур таратувчи она, меҳри-бон умр йўлдош, билимли авлод тарбияловчи устоз бўлиб вояга етади.**

Бугунги кунда ахлоқий таҳдидлар, бегона маданият таъсири ва турли ёт фоялар орқали фарзандларимизнинг онгига салбий таъсир кўрсатиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Ана шундай шароитда қизларимизни миллий ва маънавий қадриятларимизга мос, ҳаё, одоб ва ифрат асосида тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

Кизларимиз билимли бўлсин — чунки билим унинг қалқони. У юрақдан гўзал, лекин ақлдан ҳам ўткир бўлсин — чунки ҳаётда унга иккиси ҳам керак бўлади. У ҳаёли, лекин жасур; мулойим, лекин ўз ҳақини биладиган; муҳаббатга сунянган, лекин ақл билан қарор чиқардиган аёл бўлиб вояга етсин.

Биз, катталар, аввало уларга қандай қараш билан, қандай сўз билан, қандай муносабат билан муомала қилишни ўйлаб кўришимиз керак. Қиз фарзандга муҳаббат ва ишонч бериш, уни эшитиш, тушуниш, кўллаб-куватлаш жуда муҳим.

Қиз фарзандни "эртага тумушга чиқди" деб эмас, балки

"эртага жамиятга хизмат қилади", "фойдали шахс бўлади", "миллат ва оиласа шараф келтиради" деб тарбиялашимиз шарт. Унинг орзуумидлари, салоҳияти ва истеъоди учун имконият яратиш — бу жамиятнинг тараққиётига кўйилган энг муҳташам қадам бўлади.

Ҳар бир оиласа қиз болага меҳр, одоб, ибрат, ҳаё, меҳнат-севарлик ва масъулият ҳиссини ўргатиш — биз барчамизнинг улкан бурчимиздир. Бундай тарбияланган қизлар келажакда юртимизнинг маънавий устуни, оиласаримизнинг, элнинг фахри бўлиб етишади.

Биз, маҳалла раислари доимо оиласарда тарбия масала-



сига эътибор қаратиш, айниқса, қизлар тарбиясида ҳамкорлиқда иш олиб боришига тайёрмиз. Ҳар бир фуқаромиздан ҳам шу йўналишда фаоллик ва масъулият кутамиз.

Қиз тарбияси — миллат тарбиясидир. Қиз фарзанд — бу юртнинг ўзига хос бойлиги ва маънавий ёдгорлигидир

**Нурзия ҚУРБАНАЛИЕВА,  
"Толеби" МФИ раиси**

## USTOZLAR MINBARI

# Интегратив ёндашувлар орқали педагогларнинг қобилиятини ривожлантириш



Тугунги таълим жараёни педагогдан нафақат ўз фанининг чуқур билимини, балки замонавий методларни қўллаш, ўқитиш усувларини такомиллаштириш, ижодий фикрлаш ва мослашувчанликни талаб этади. Педагогларни ижобий ривожлантиришда интегратив ёндашувлар муҳим ўрин тутади. Таълим тизимида педагоглардан фақатгина билим беришни эмас, балки уларнинг ижодий фикрлаши, янги педагогик ғояларни ишлаб чиқиши ва замонавий ёндашувларни амалиётга жорий этишини талаб этмоқда. Бу борада интегратив ёндашувлар муҳим ўрин тутади. Чунки бундай ёндашув педагогларни кўп қиррали, ижодкор ва илғор фикрловчи мутахассис сифатида шакллантиришга хизмат қиласи. Педагог нутқининг ифодалилиги унинг ижодий ривожланишининг калитидир.

Бугунги замонавий таълимда ўқувчининг мустакил фикрлаши, ижодий ёндашуви ва эркин нутқ қобилиятини ривожлантириш асосий вазифалардан биридир. Бу жараёнда педагог шахсияти, айниқса,

унинг нутқи нафақат маълумот етказиш воситаси, балки ўқувчи онгига таъсир этувчи кучли тарбия омилидир. Педагог қайси фандан дарс беришидан қатъи назар нотиқликни ўзида шакллантирига олса, ижодий ривожлана олади. Интегратив ёндашув - бу бир нечта фан, услугуб ва методларни уйғунлаштириш, уларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўқитиш ва ўрганиш усулидир. Бу усул педагогларни фақатгина назарий билим билан эмас, балки амалий ижодкорликка ҳам етаклайди.

Нега педагогларни ижодий ривожланишда интегратив ёндашув самаравли?

1. Фикрлар хилма-хиллигини очиб беради, бир нечта соҳалар ўртасидаги боғланиш педагогда янгича қараш ва ғоялар ўйғотади.

2. Дарсларни жонли ва қизиқарли қиласи, масалан, адабиёт дарсида мусиқа, театр, тарих элементларини қўллаш ижодий ёндашувни талаб қиласи.

3. Педагогда мураккаб муаммоларни ечиш қобилиятини шакллантиради, бу эса янги ғоялар, услублар, материаллар яратишга ёрдам беради.

4. Таълимда инновацияларни қўллашга йўл очади, замонавий технологиялар билан интеграция жараёнида ўқитувчи доимий равишда ўзини ривожлантириб боради.

Мактабларда STEAM модели асосидаги дарслар педагогни янгича ўқитиш услубларини ўрганишга ундайди. Адабиёт ва театрни уйғунлаштирган ҳолда ўтказилган ижодий машғуллар педагогга нотиқлик, саҳналаштириш ва ижодий дастур ёзиш қобилиятини ривожлантиради. Пичоқни ўткирламаса, кесмагани сингари педагог борингки, барча шахслар камида кунига бир саҳифа китоб ўқиса, зеҳни ўткирлашади, фикр доираси равонлашади.

Жамоат ичida фаҳм-фаросат каби тушунчалар кесимида аҳоли нутқи равон, тоза бўлиши учун оиласа ота-она фарзандларига ўрнак бўлиши, яъни ҳар бир ота-она оила даврасида болалари учун педагог бўлишлари лозим. Бола ўқув даргоҳида устоздан керакли маълумотларни ўзлаштиради. Бевосита билвосита оиласидаги муҳит ота-онадан ҳам бола ўзига керакли жиҳатларни ўзлаштиради. Педагогнинг вактлари

режа асосида тақсимланса, бу унинг келажақдаги юқори натижаларни эгаллаши учун пойдевор, наинки режалардан маънан ва руҳан ривожланади, юксалади. Демак, фарзанд етук касб эгаси бўлиши учун ота-она ҳам ўзида қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар педагоглик маҳоратни такомиллаштироми лозим.

Интегратив ёндашувлар нафақат таълим жараёнини самарали ташкил этиш воситаси, балки педагогларнинг ижодий салоҳиятини олиш, уларни янги ғоялар ва инновацияларга тайёрлашнинг муҳим услубидир. Шу боис ҳар бир педагог ўз фаолиятида интегратив ёндашувларни жорий этиш ва улар орқали шахсий профессионал ўсишга эришиш мақсадга муваффақият беради.

Интегратив ёндашув нафақат таълим мазмунига, балки инсон психологиясига ҳам таянган ҳолда курилади. Айниқса, педагогларнинг ижодий ривожланишида қуйидаги психологияк механизмлар муҳим аҳамиятга эга:

Мотивация - педагог ўз фаолиятида янги усул ва ёндашувларни қўллашга қизиқиши

лозим. Ижодий тасаввур - маълумотларни нафақат қабул қилиш, балки қайта ишлаб, янгича шаклда тақдим этиш қобилияти.

Рефлексия - ўзи ўтказган дарсни таҳлил қилиш, муваффақият ва камчиликларни англаш.

Интегратив ёндашув педагогни нафақат ўқитувчи, балки тадқиқчи ва ижодкорга айлантиради. У ўзи учун "тестлаб кўрувчи муҳит" яратади ва доимий изланишда бўлади. Бу эса касбий етуклик ва шахсий камол топишга олиб келади.

Хулоса шуки, интегратив ёндашувлар педагогларни ривожлантириша мусиқи ўрин тутади. Ушбу ёндашув педагогнинг касбий ва шахсий ўсишига ҳамда ўқувчилар билан самарали мулокот олиб боришига хизмат қиласи. Замонавий педагогик методларни уйғунлаштириб, таълим жараёнини инновацион ёндашувлар билан бойитиш педагогик ривожланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

**Дилноза КАРИМОВА,  
5-сонли мактабнинг мусиқи фани ўқитувчиси**

## HUQUQIY SAVODXONLIK

**Назарда тутилган пенсия ёшига тўлган фуқароларга ёшга доир пенсия улардан мурожаат талаб этилмаган ҳолда (проактив шаклда) тайинланади. Бунда фуқаронинг ёшга доир пенсияга бўлган ҳуқуқи ушбу Қонунда белгиланган шартлар ва нормаларга мувофиқ ахборот тизимларидан олинган маълумотларга асосан аниқланади.**

## Проактив шаклда пенсия тайинлаш тартиби

Фуқаронинг пенсияга бўлган ҳуқуқини аниқлашда пенсиянинг миқдори хисоб-китоб қилинади ва пенсия тайинланади.

Агар фуқаро унинг мурожаатисиз (проактив шаклда) тайинланган пенсия миқоридан норози бўлса ёки меҳнат фаолиятини давом эттириш ва кейинчалик ёшга доир пенсияга чиқиш истагини билдиrsa, у тайинланган ёшга доир пенсияни рад этиш ҳуқуқига эга. Бунда фуқаро хабарномани олган кундан эътиборан ўн кун ичida Пенсия жамғармаси бўлимига ариза билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикасининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сўровнома тўлдирилган ҳолда мурожаат қилиши керак.

Фуқаронинг мурожаатини талаб этмаган ҳолда (проактив шаклда) пенсия тайинлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, пенсия фуқаронинг мурожаатига асосан тайинланади.

**Дилноза ИСРАИЛОВА,  
БТПЖ бўлими бошлиғи ўринбосари**

## MOZIYDAN SADO

# Ҳалқпарвар маърифатчи тақдири

**Тарихнинг қора сатрларида исмини йўқотган, аммо қалблар хотирасида порлаб турган сиймолар бор. Улардан бири – илм-маърифат йўлида жон фидо қилган, ўз ҳалқининг эртанги куни учун яшаган ва ҳалок бўлган маърифатпарвар, жадид адаби, педагог, турколог, таржимон Холид Саъиддир.**

У 1888 йили Тошкент бағридаги Бўстонлиқ туманининг Кўшкўғон қишлоғида дунёга келди. Унинг асл исми Холхўжа бўлса-да, кейинчалик у тарих саҳнасида Холид Саъид номи билан танилди. Оилада беш фарзанд орасида камтарин, аммо фурурли ўсган бу ўғлон, ҳаётини илм ва ўқитувчиликка, миллатни ўйғотишга бағишилади. Ёшлигида қишлоқ мактабида таҳсил кўрган Холид Саъид, кейинчалик Тошкентдаги "Бекларбеки" мадрасасида илм эгаллади. Бу ўринда у ўз замонининг илфор тафаккур эгалари – жадидлар ғоясига маҳлиё бўлиб, маърифат йўлини тандади. У 1914 йилгача Тошкентдаги янги усул мактаблирида муаллимлик қилди, "Садои Туркистон", "Садои Фарғона" каби жадид матбуотида "Хаёлий", "Сайёх дарвеш" тахаллуслари остида мақолалар, шеърлар ёзди. Холид Саъид илм излаб 1914–1918 йилларда Туркияга боради, Истанбул университетида тарих ва филология бўйича таҳсил олади. Бу таҳсил унга нафакат илм, балки мусулмон Шарқининг миллий ўйғониш фоялари билан нафас олиш имконини берди. У Озарбайжонда, Ганжада фаолият олиб борар, ўқитувчиларга сабоқ берар, бир вақтнинг ўзида туркий ҳалқ-

лар тақдирига даҳлдор жараёнларда катнашар эди. 1920 йилда бошланган Ганжа қўзғолони, совет истилоси сабабли у Туркистонга қайтади ва Тошкентда педагогик фаолиятини давом эттиради. Бирок қалби Озарбайжонда қолган бу инсон 1922 йили яна Бокуга боради. У ерда ишчи факультетидан то педагогик курсларгача, ҳатто Ўзбекистон консул мөхмонхонасида ҳам хизмат қиласи. Афсуски, ватанпарварлик ва миллий фурур уни қамчи остига олиб киради. "Аксилинқилобий тарғибот" деган тўқима айб билан ишдан ҳайдади. Шунга қарамай, Холид Саъид ижтимоий-маданий ҳаракатлар марказида бўлади. 1922 йилда Бокуда тузилган "Янги алифбо қўмитаси" аъзолари билан бирга совет туркий ҳалқлари орасида лотин ёзувини тарғиб этиш сафарида иштирок этади. Бу иш унинг ҳалқ дардини, маърифат тақдирини нақадар юрагига яқин тутганини кўрсатади. Илмий мероси ҳам бекиёс. У "Усмонли, ўзбек, қозоқ тилларининг қиёсий синтаксиси", "Муҳтасар услубиёт", "Озарбайжон мактаблари учун рустили" каби илмий асарлар ёзган. Бундан ташқари, у Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романини озарбайжон тилига таржима

қилган илк таржимонлардан биридир. Унинг илм-фан йўлидаги хизматлари эвазига 1935 йилда фан номзоди даражаси ва доцентлик унвонига сазовор бўлади. Аммо шўро машинасининг ғазаби илмга, адолатга, вижонга парво қилмади. 1937 йил 3 июнь куни Холид Саъид "миллатчи" ва "жосус" деган айблар билан ҳибсга олинади ва 12 октябрда Бокуда отиб ташланади. Унинг аёли, садоқатли умр йўлдоши Сора Ризо қизи ҳам ҳибсга олинниб, 14 йил Сибирда сургунда яшашга мажбур бўлади. Ватан соғинчи, фам, изтироб ва қувғиндан ҳориган бу аёл 1955 йилда қайтиб келсада, умрининг охиригина йилларини оғриқ билан ўтказади. Холид Саъид ҳаёти – бу бир инсоннинг фожиаси эмас, бутун бир авлоднинг, бир маърифатпарвар даврнинг фожиасидир. Унинг хотираси, илмий мероси, ватанга бўлган садоқати бизга сабоқ, фурур ва масъулият юклайди. Бугун биз унинг номини қайта кашф этар эканмиз, жадидлар меросининг бокийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

**Иброҳим ЭРГАШОВ,  
Чирчик давлат педагогика  
университети гуманитар фанлар  
факультети талабаси**



## Дарахтлар суғорилмаса...

**Бизга маълумки, дарахтлар шовқинларни камайтириши, қушлару ҳайвонлар, тирик жонзотларга ин ва озуқа манбаи бўлиш, ер эрозиясини олдини олиш, чанг, ғуборларни ютиши билан ҳам жуда аҳамияти эканлигини биламиз.**

Қолаверса, инсонларни турмуш тарзида, яъни уйжойидан тортиб кундалик майший жиҳозларда соғлом ва тўкин яшашида уларнинг фойдаси бекиёс.

Шунинг учун аждодларимиз оиласида фарзанд түғилса эзгу тилаклар билан ниҳоллар экишган.

Мазкур анъана буғунги кунда янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Президентимиз ташаббуси билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бўйича ҳар йили республикамиз бўйича 200 миллион дона дарахт ва бута

қўчатларини экиш топширифи берилган.

Ҳозирги жазира маълуматни ҳатто автоуловларимизни жойлашириш учун ҳам дарахт сояларини излаймиз.

Биз аҳамияти бебаҳо бўлган дарахтлардан шу даражада фойдаланишимизни қадрига етишимиз керак. Уларни муҳофаза қилиш билан бирга парвариши қилишимиз ҳам лозим.

Буғунги жазира маълуматни ҳамма қилиши ва ҳар кун қилиши керак деган иборамиздан келиб чиқиб, дарахтларни имкон қадар суғориб, уларни жазира маълуматни бирга тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

иссиқдан сақлаб қолиш Ўзбекистон экологик партиясининг устувор вазифаларидан бири деб ўйлаймиз.

Хурматли туманимиз аҳли! Она табиатимизни кўрки бўлган манзарали ва мевали дарахтларимизни жазира маълуматни ҳам жадидларни тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.

**Эргаш САРИМСОҚОВ,  
Ўзбекистон Экологик  
партияси туман  
Кенгаши раиси**

## KITOBXONLIK

**Куни кеча Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Ипак йўли бўйлаб Марказий Осиёни ўрганамиз" лойиҳаси доирасида ҳалқаро китоб тақдим этиш маросими бўлиб ўтди.**

## Тантанали очилиш МАРОСИМИ



Халқаро китоб тақдим этиш маросимида вилоят, шаҳар АҚМ, туман АҚМ ҳамда Хитой элчиҳонаси меҳмонлари ва шу қаторда туман АҚМ ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабаева ташриф буюрган меҳмонларга илик фикрларини айтиб ўтдилар.

Тадбир сўнгидага ҳамкорликни узоқ йиллар давом эттириш мақсадида "Ипак йўли китоб жавони"нинг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Илгама ГАДЖИЕВА

## SPORT

## Шода медаллар соҳиби айланди

Туманимизнинг Сойлик қишлоғи ёшлари спорт соҳасида пешқадамлик қилмоқда десак муболага бўлмайди.



11-умумий ўрта таълим мактабининг "Оғир атлетика" тұрағарының собиқ аъзоси Ҳайитбой Абдушукуров Қозоғистон Республикасида үтказилган "Ўсмирлар" ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати"да иштирок этди. Құшни давлатнинг Астана шаҳрида бўлиб ўтган саралаш босқичида Ҳайитбой Абдушукуров она юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. Сойлик қишлоғининг ўғлони Ҳ.Абдушукуров даст кўтаришда — кумуш медаль, силтаб кўтаришда — бронза медаль, икки курашда (умумий) — бронза медаль соҳиби бўлди.

Шода медаллар соҳиби 1 та кумуш, 2 та бронза медалларини қўлга киритиб, устозлари ва биринчи мураббийи Шоҳруҳ Абдураҳмоновнинг меҳнатларини ва ишончини оқлади. Келажак ҳәёти ва жаҳон чемпионатлари учун илк дадил қадамларини ташлади.

Бугунимиз эртаси бўлган Ҳайитбойга ютуқлар бардавом бўлишини тилаймиз.

**Фотима АБДУРАҲМОНОВА,**  
Сойлик қишлоғи

## MADANIYAT



## Ижод ва ижодкор дунёси

14-сонли "Истиқол" маданият марказида ёзувчи, мұхаррир ҳамда депутатлар иштирокида мазмунли учрашув ташкил этилди.

ва жамиятдаги фаоллиги ҳақида сўзлаб, фойдали маслаҳатлар беришиди.

Ушбу учрашув ёшларда ватанпарварлик, интилувчанлик ва ижодкорлик руҳини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

## YOD – O'TMOQDA SOZ!



"Марказий" маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида жойлашган 2-ИДУМ қошида "Кувноқлар" деб номланган ёзги соғломлаштириш-чиниқтириш оромгоҳи ҳам фаолиятини давр талабидан келип чиқиб давом эттироқда. Қуни кечада болажонлар хушманзара табиат кўйинида жойлашган "Оқтош" болалар соғломлаштириш оромгоҳида бўлишиди ва бир олам таассуротлар билан қайтишиди.

# Ko'zgu

## BO'STONLIQ OVOZI

### «Bo'stonliq ovozi»

ijtimoiy-siyosiy gazeta

#### Muassis:

Bo'stonliq tuman hokimligi

#### Bosh muharrir:

Abdisalik KULBAYEV

#### Navbatchi muharrir:

Ro'zmat ISMOILOV

ISSN 2181-6476



### BULOQ KO'Z OCHDI

Сижжаклик Жавоҳирбек Жуманазаров ҳаётнинг эрта синовларига қарамай, қалбидаги нозик туйғуларни қоғозга кўчира олган истеъдод эгаси. Унинг сатрларида самимият, туйғуларида эса умид бор. У ижод орқали ўзининг чинакам овозини топмоқда.

## Шеърият сари порлоқ йўл

### СИЖЖАКДА ТУҒИЛГАН ЮРАК

Мен Сижжакда туғилдим, тоғлар бағрида,  
Шу ерда улғайдим, шу ерда ўқдим.  
Сўзга чиқолмадим, баҳт минбарида,  
Ҳаёт кўп синовлар улашди дўстим.

Бу қишлоқ ҳавоси менга куч берар,  
Орзулар шахрига қадам ташлайман.  
Воз кечма, ноумид шайтондир дерлар,  
Шижаот қўлидан маҳкам ушлайман.

### МЕН БАРДОШЛИМАН

Кун келиб ҳаётим нурга тўлади,  
Орзулар ушалиб дардлар ўлади,  
Йўлларим нурафшон ёруғ бўлади,  
Мени кучсиз деманг, мен бардошлиман!

Қайгулар вақтинча, қайгулар меҳмон,  
Юрагим эзилма, сен шунга ишон,  
Аллоҳим куч бериб туради ҳар он,  
Мени ожиз деманг, мен бардошлиман!

Жавоҳирбек ЖУМАНАЗАРОВ



### E'LON VA BILDIRUVLAR

"О.К.Сарвиноз Бурчмулла" оиласи корхонасига берилган думалоқ муҳр йўқолганилиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

\*\*\*

"Камронбек Асадбек" бизнес фирмасига берилган думалоқ муҳр йўқолганилиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

"Бўстонлиқ овози" – "Бостандық даусы" газеталари таҳририяти жамоаси газетанинг собиқ бош ҳисобчиси Севара Йўлдошевага акаси

**Комилжон Давлетовнинг** вафоти муносабати билан чукур таъзия билдиради ва Яратгандан сабру қаноат тилайди.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlар egasiga qaytarilmaydi. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart. Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Gazeta obuna yo'li bilan tarqatiladi.

Gazetaning bosilish sifatiga bosmaxona javob beradi. Gazeta A3 bichimda «AZMIRNASHRPRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

### Korxona manzili:

Toshkent shahri,  
Adham Rahmat ko'chasi,  
10-uy

Gazeta Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2012-yilning 18-iyunida 03-028 raqami bilan ro'yhatga olingan.

### Nashr ko'rsatkichi — 290

Gazeta haftada bir marta, haftaning shanba kuni chiqadi.

Tahririyat hisob raqami 20210000600191855001  
Bank kodи 00439  
Toshkent shahri  
«Garantbank» AJ.  
STIR 200441221

Adadi: 1625  
Buyurtma: 94  
Bosishga topshirish  
vaqt: 14-00  
Topshirildi: 14-00 da

### Manzilimiz:

110700,  
Toshkent viloyati,  
G'azalkent shahri,  
Matbuotchilar ko'chasi,  
24-uy.

### Telefonlar:

(+99899) 802-03-53;  
(+99890) 964-86-51